

Salomovich S. S. PERIODONTAL TO'QIMA KASALLIKLARIGA CHEKUVCHILARNING TAMAKINI QIZDIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANGAN HOLATIDAGI O'ZGARISHLARI //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 3. – С. 150-155.

Жуманиёзов Л. А. и др. ОРТОПЕДИК СТОМАТОЛОГИЯДА ЧАРХЛАШДАН КЕЙИНГИ ГИПЕРЕСТЕЗИЯНИ ЗАМОНАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ (АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ) //O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. – 2024. – Т. 3. – №. 33. – С. 134-148.

Fazliddinovich S. J. et al. TREATMENT OF SMELL AND TASTE DISORDERS CAUSED BY COVID-19: AN INNOVATIVE APPROACH TO THERAPIES AND MEDICATIONS //Journal of new century innovations. – 2024. – Т. 64. – №. 1. – С. 106-111.

Хабилов Н. Л. и др. госпитал ортопедик стоматология кафедраси йил давомида нашр этилган тезислар хисоботи //Conferences. – 2023. – С. 114-118.

СТОМАТОЛОГИК БЕМОРЛАР ВА УЛАРДА ОСТЕОПОРОЗ ХАВФ ОМИЛЛАРИ

Эрматова Ф.Р., Хабилов Б.Н.

Тошкент Давлат Стоматология институти
feruza.ermatova17@gmail.uz

Остеопороз – кенг тарқалган суякдаги модда алмашинуви касаллигидир, у “кўринмас эпидемия” деб ҳам аталади. Бу суяк тўқимасининг тизимли касалликларидан бўлиб, ҳамда парадонтит касаллиги ривожланиши хавф омилларидан биридир. Остеопороз тана суяклари билан бирга жағ суякларини, айнан алвеоляр ўсикларни зарарлайди. Суяк минерал зичлигининг бузулиши сурункали генераллашган парадонтит ривожланишига сабаб бўлади, ҳамда суяк тўқимасининг деструктив жараёнларини кучайтиради.

Маълумки, остеопороз кальций-фосфор алмашинуви билан бевосита боғлиқ, кальций эса суяк тўқимасининг асосий таркибий элементи бўлиб, тиш кристал панжараси таркибига киради. Бир қанча илмий текширувлар натижасига кўра остеопороз оғиз бўшлиғи ҳолатига ўз таъсирини кўрсатади.

Тиш-жағ тизимида зарарли одатлар ва ҳолатлар таъсирида суяк ҳажмини камайишига олиб келиши мумкин. Пародонтит, остеопороз каби симптомларсиз кечувчи касалликлардир. Уларда умумий хавф омиллари мавжуд бўлиб, уларга суяк ҳажмининг камайиши, чекиш, ёшни катталиги, кортикостероидларни қабул қилиш ва систем касалликлар. Ундан ташқари насли ва оилавий моиллик бўлиши мумкин. Бир қатор илмий изланишлар олиб борилганлигига қарамасдан ҳозирги кунга қадар пародонтитнинг кечиши остеопороз билан боғликлиги ечими топилмаган мавзулигича қолмоқда.

Изланиш мақсади

Стоматологик беморларда остеопороз хавф омиллини аниқлаш.

Изланиш Тошкент Давлат Стоматология институти стоматологик поликлиникасида олиб борилди.


Стоматологик беморларда остеопорозни аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилди. Сўровномага стоматологик муаммоси бор 60 беморлар жалб қилинди. Улардан 50 аёл ва 10 эркак, 30-60 ёшларда.

Изланиш натижаси ва муҳокамаси

Сўровнома натижаси таҳлил қилинганда шуни кўрсатдики, остеопороз хавф омили стоматологик беморларнинг 83.3 % да учрамоқда.


Сўровнома маълумотларига кўра солиштирма таҳлил олиб борилди. Унга кўра сўровномада иштирок этган аёлларнинг 88 % хавф гуруҳига киритилди, 12 % эса суяк минерал зичлигида клиник ўзгариш белгилари аниқланмади (1-расм). Эркакларда ўтказилган сўровнома таҳлили қуйидаги натижани кўрсатди: 60 % эркакларда остеопороз ривожланиш хавфи мавжуд, 40 % да эса суяк минерал зичлигида клиник ўзгариш белгилари аниқланмади (2-расм).

Расм – 1. Аёллар орасида остеопороз хавф омилининг тарқалиш кўрсаткичи



хавф омилининг тарқалиш кўрсаткичи

Расм – 2. Эркаклар орасида остеопороз



Хулоса

Стоматологик беморлар орасида остеопороз хавф омилари 83,3 % ҳолатларда учрайди. Шулардан хавф омиллари аёлларда кўпроқ (82 %), эркакларга нисбатан (60 %) учраши аниқланди.

Адабиётлар

1. Straka M. Пародонтит и остеопороз // Новое в стоматологии. 2002. № 8. С. 29-31. 2. Klemetti E., Vainio P., Kroger H. Craniomandibular disorders and skeletal mineral status // Cranio. 1995. 13(2). P. 89–92. 3. Wactawski-Wende J., Grossi S. G., Trevisan M. et al. The role of osteopenia in oral bone loss and periodontal diseases // J. Periodontal. 1996. V. 67 (Supl. 10).P. 1076–1084.